

## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

**Маджидов Абдумалик Абдуазимов**

ИИБ Академияси магистранти, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10526025>

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва телекоммуникация соҳаси тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳолини сифатли телекоммуникация ва интернет хизматлари билан таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва кишилик жамиятининг барча соҳаларида фуқаролар томонидан Интернетдан кенг фойдаланиш кундалик фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди<sup>1</sup>.

Ушбу ўзгаришлар ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шакли интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноят турларининг юзага келишига замин яратди ҳамда ҳаётимизга “кибержиноятчилик” тушунчасини олиб кирди. Жаҳонда «Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асри»да инсоният ҳаётида оламшумул ихтиролар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларни жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини аниқлаш, динамикасини таҳлил қилиш ҳамда ушбу турдаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, жиноятчи шахсини ўрганиш ва уларни олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда 2022 йил давомида ахборот технологиялари ёрдамида 3856 та жиноятлар содир этилган бўлиб, мазкур хисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг банк пластик карталари ва бошқа ҳисоб рақамларидан пул талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан ЖКнинг 168-моддаси билан жами 1615 та жиноят иши қўзғатилиб дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган бўлса, худди шундай ҳолатда

---

<sup>1</sup> Қосимов Ш. С. Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятларни фош этишни такомиллаштиришнинг айрим муаоммолари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 16-23.

жами 1986 та ЖКнинг 169- моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов харакатлари олиб борилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида таъкидлаганидек, “қўп жиҳатдан аллақачон замонавий ҳаётни белгилаётган хавфсиз ахбороткоммуникация технологияларини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратишни истар эдим. Фақат кучларни бирлаштириш орқали, бир пайтнинг ўзида, ахборот маконидаги таҳдидларни камайтира борган тақдирдагина биз рақамлаштириш афзалликларидан тўла фойдалана олишимиз мумкин.

Маълумотларга кўра, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Украина, Россия ва Беларусь Республикасида гиёҳвандлик воситалари савдосининг салмоқли қисми айнан интернет тармоқлари орқали амалга оширилмоқда. Ушбу ҳолатларнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) гиёҳвандлик воситаларининг майда чакана савдосини бевосита контактсиз ва томонларнинг шахсини сир сақлаган ҳолда ташкил этиш имконияти;

2) ташкилотчилар хавфсизлигини таъминловчи мураккаб иерархия схемаларининг ташкил этилиши;

3) пул маблағларини банк секторидан ташқари қалбаки электрон ҳисоблар орқали транзакция қилиш ва даромадни аноним тарзда нақд пулга айлантириш;

4) интернет тармоқларида наркожиноятчиликни аниқлаш ва фош этишда ҳуқуқ-тартибот идораларининг тажрибаси етарлича эмаслиги;

5) кенг аудитория ва харидорлар базаси;

6) дунёнинг деярли барча давлатларида наркобизнесни ташкил этиш имконияти;

7) қўшимча иш кучини интернет-реклама орқали жалб этиш<sup>3</sup>.

Мутахассислар фикрича, юқорида келтирилган сайтлар “Тог” технологиясининг нозик жойлари мавжудлигидан эмас, балки, ташкилотчиларнинг шахсий эҳтиётсизлиги сабабли фош этилган. Шундай

<sup>2</sup> А.Анорбоев, Р.Хурсанов. Кибержиноятлар хавфини бартараф этиш йўллари. Илмий мақола. Одил судлов. Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. 5/2020. 25-27 бетлар. [https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5\\_uz.pdf](https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf).

<sup>3</sup> Файзуллаев З. Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш //Иновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 16-19.

қилиб, “Tor” тизимининг юқори даражада ҳимоялангани бутун дунё бўйлаб наркотиклар савдоси билан шуғулланувчи юзлаб веб-сайтларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. “Tor” тизимида рус тилидаги сайтлар илк бор 2012 йилда пайдо бўлган. “Tor Metrics” сайти маълумотида кўра, бугунги кунда “соёдаги интернет”дан фойдаланиш бўйича Россия АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгалламоқда. Ҳар куни ушбу аноним тизимдан фойдаланувчиларнинг 11 фоизи, яъни 230 мингга яқини бевосита Россиядан алоқага чиқади. Бундан ташқари, героин, кокаин ва амфетаминларни сотувчи диллерлар нархи 1000 АҚШ доллари бўлган лицензияни сотиб олишлари шарт. “Tor” тизимида наркотикларнинг савдоси учун жуда мураккаб схемалар асосида амалга оширилади. Сотувчиларнинг аксарияти хабарлар алмашувида ниҳоятда хавфсиз “Telegram” мессенджери ёки “Off The Record” номли шифрланган “Tor” тизимидан фойдаланадилар. Маълумки, ушбу мессенджерлар серверларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларнинг қўли етмайди<sup>4</sup>.

Доцент А.А.Таштемировни фикрича, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар:

- Банк пластик карталари ёки бошқа турдаги тўлов тизимлари орқали пулни яширинча ечиб олиш ҳолатлари бўйича олиб борилаётган дастлабки суриштирив ҳаракатлари юзасидан тезкорлик билан қарор қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги билан Марказий Банк, процессинг марказлари (uzcard, humo), тўлов тизими иловалари (payme, paynet, click, uzum, ва ҳ.к) марказлари билан самарали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш;

- Банк пластик карталаридаги маблағларни ноқонуний ўзлаштирилишининг олдини олиш мақсадида, банк пластик карталарни турли тўлов тизимини амалга оширувчи иловаларга улаш ва фаоллаштиришда “Face-ID” тизимидан (фойдаланувчини тизим юзини таниб олганидан сўнг унга қарашли пластик картани иловага уланиши ва ундан фойдаланишга рухсат берилиши) Республика ҳудудида фаолият юритувчи барча тўлов тизимларида жорий этилишини таъминлаш;

- Фуқароларда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолишини олдини олиш мақсадида, кенг қамровли ва самарали профилактик чора-

<sup>4</sup> Файзуллаев З. Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш //Иновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 16-19.

тадбирларини амалга ошириш учун катта аудиторияга эга блогер ва ижтимоий тармоқдаги каналлар имкониятларидан фойдаланиш;

- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахасислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг битирувчиларини ИТ соҳасидаги билимлари билан бирга қонунчилик ва ҳуқуқ устуворлигига оид билим ва кўникмаларини ҳам доимий равишда ошириб бориш;

- Ахборот технологиялари орқали содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қонунийлик ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида республика миқёсида ушбу турдаги жиноятларни содир этиб келаётган ҳамда жиноятларни содир этишга мойил шахсларни рўйхатининг ягона базасини шакллантириш, ушбу шахслар тўғрисида маълумотларнинг вилоятлараро алмашинувини йўлга қўйиш, улар билан тезкор ишлар олиб борилишини таъминлаш;

- Аҳоли орасида интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтиришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш, ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида тушунтириш ишлари олиб бориш;

- Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга маъсул бўлган давлат органлари, жумладан, Ички ишлар органлари ходимларининг кибержиноятчиликка қарши кураш ва интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича билим ва кўникмаларини мунтазам равишда шакллантириш юзасидан ўқув машғулотлари ташкил этилса ўз самарасини беради<sup>5</sup>.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ахборот технологияларидан фойдаланиб фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини аниқлаш, олдини олиш, қарши курашиш ва уни бартараф этиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, давлат органлари ва халқ манфаатларига таҳдид солувчи

<sup>5</sup> Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

киберхатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажариш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, давлатдаги ҳар бир фуқаронинг хавфсизлиги давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қосимов Ш. С. Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятларни фош этишни такомиллаштиришнинг айрим муаоммолари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 16-23.
2. А.Анорбоев, Р.Хурсанов. Кибержиноятлар хавфини бартараф этиш йўллари. Илмий мақола. ОДИЛ СУДЛОВ. Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. 5/2020. 25-27 бетлар. [https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5\\_uz.pdf](https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf).
3. Файзуллаев З. Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 16-19.
4. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

